# МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ФАХРИ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу мажмуада жаҳон технологиялар бозорида ном қозонган энг машҳур фирма ва компанияларнинг илғор илмий ишланмалари асосида ишлаб чиқаришнинг юксак даражада автоматлаштирилган тизими жорий этилди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Шўртан газ-кимё мажмуи қурилиши том маънодаги самарали халқаро ҳамкорлик натижаси бўлди.

Янги аср мўъжизаси деб аташга муносиб бу улкан лойиҳани амалга оширишда Америка Қўшма Штатларининг "Эй-Би-Би Луммус Глобал", "Хонивелл", Германиянинг "Фишер", "Эрмафа", "Т плюс Г", Япониянинг "Мицуи", "Нисшо Иваи", "Тойо Инжиниринг", Франциянинг Нефть институти, "Ипедекс", Канаданинг "Нова Кемикалз", Италиянинг "Ренко", Россиянинг "Союзвнештранс", "ВНИИГАЗ" ва бошқа кўп-кўп хорижий фирма ва компаниялар ҳам салмоқли ҳисса қўшгани фикримизнинг тасдиғидир.

Бу нодир иншоотни барпо этишда Америка Қўшма Штатларининг "Эксимбанк", "Чейз Манхеттен Банк", Германиянинг "Коммерцбанк", Япониянинг "Эксимбанк", Франциянинг "Париба" каби энг йирик ва нуфузли банклари, "Гермес" суғурта агентлиги ўз сармоялари билан иштирок этгани айниқса диққатга сазовор.

Мен бугун мана шундай ўта замонавий корхонани қуришда бизнинг муҳандис ва ишчи-хизматчиларимиз билан елкадош бўлиб, сидқидилдан меҳнат қилган, бугунги маросимда қатнашиб, қувончимизга шерик бўлаётган хорижий ҳамкорларимизнинг вакилларига, улар орқали шу қурилишда иштирок этган барча чет эл компания ва фирмалари, банкларининг раҳбар ва мутахассисларига алоҳида ташаккур билдираман.

Шулар қаторида бугунги тантаналарда қатнашаётган Америка Қўшма Штатлари, Германия, Франция, Италия давлатларининг элчилари, Япония элчихонаси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки вакилларига ўзимнинг алоҳида ҳурматимни изҳор этаман.

Шунингдек, кечани кеча, кундузни кундуз демай фидойилик кўрсатган "Ўзнефтьгазқурилиш", "Ўзмонтажмахсусқурилиш", "Қашқадарёқурилиш", "Қаршисаноатуйжойқурилиш" каби ўнлаб пудратчи ташкилотларнинг ишчи ва муҳандисларига, монтажчи ва лойиҳачиларига, барча мутасадди раҳбарларга ҳам самимий миннатдорлигимни билдираман.

Айниқса, бу қурилишда юзлаб навқирон йигитларимиз ўзининг ёшлик шижоати, бекиёс билим ва маҳоратини намоён этиб, дунёнинг энг илғор мамлакатларида малака ошириб, ўта мураккаб замонавий технологияларни қисқа фурсатда пухта эгаллаб олгани ҳар биримизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Аминманки, бундай ватанпарвар ёшларга, бундай бунёдкор авлодга эга бўлган миллат ва халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

Муҳтарам юртдошлар!

Шўртан газ-кимё мажмуи нафақат Қашқадарё заминида, балки юртимизнинг бошқа минтақа ва ҳудудларида ҳам янги-янги ишлаб чиқариш тармоқларининг вужудга келиши ва ривожланиши учун шароит яратади.

Содда қилиб айтганда, ушбу мажмуа замонавий корхона ва технологиялар, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожи учун, қанча-дан-қанча одамларга янги иш ўринлари очиб бериш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Энг муҳими, бу улкан корхона мамлакатимиз саноати билан бирга узоқ-яқиндаги иқтисодий шерикларимиз учун ҳам ниҳоятда зарур бўлган полиэтилен хомашёси, плёнка, суюлтирилган газ, сув ва газ қувурлари, бошқа кўплаб техник ускуналар, уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариб, давлатимизнинг иқтисодий қудратини оширишга салмоқли ҳисса қўшади.

Янги мажмуада меҳнат қиладиган ишчи ва хизматчилар учун муносиб шарт-шароит яратиш, корхона билан бирга тегишли инфратузилмалар бунёд этиш мақсадида ҳам катта ишлар амалга оширилгани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ҳаммамиз яхши биламизки, Қашқадарёнинг жазирама иссиғи, қаҳратон совуғи, чўл шамолларида яшаб, меҳнат қилиш осон эмас. Шунинг учун бу ерда барпо этилган мана шу ишчилар шаҳарчаси энг замонавий талаблар асосида, ҳар жиҳатдан кўркам ва қулай этиб қурилди.

Мен Шўртанда бошлаган бунёдкорлик ишларимиз давом этишига, эртага бу жойда яна янги-янги кўчалар, боғ-роғлар, хиёбонлар қад ростлашига, шу кичик шаҳарчанинг гуллаб-яшнаб, катта ва гўзал бир шаҳарга айланишига ишонаман.

Мана шундай эзгу истак ва режаларимизнинг амалга ошишида Толлимаржон ГРЭСи ва сув омборининг меҳнат жамоалари, вилоят Ўрмон хўжалиги ишчи-хизматчилари ҳам муносиб ҳисса қўшади, деб ўйлайман.

Кўп қийинчиликларда тобланган мард ва танти Қашқадарё элининг ғайрат-шижоати, пешона тери билан бу ерлар юртимизнинг энг файзли ва тароватли масканларидан бири бўлиб қолишига асло шубҳам йўқ.

Азиз ҳамюртларим!

Бундай улкан корхонанинг Янги йил байрами арафасида ишга туширилаётгани кириб келаётган 2002 йилнинг юртимиз учун баракали бўлишига яхши бир далолат, мустаҳкам пойдевор, десак, муболаға бўлмайди.

Барчангизни бугунги улуғ иш, яъни Шўртан газ-кимё мажмуи қурилишини якунига етказганингиз билан ва кириб келаётган Янги йил байрами билан чин қалбимдан яна бир бор самимий табриклайман.

Иқтисодиётимиз, бутун мамлакатимизнинг фахри бўлиб қоладиган шу буюк иншоотни барпо этишда қатнашган сиз азизларнинг қўлларингиз дард кўрмасин, бошларингиз омон бўлсин.

Олижаноб ишларингизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

***Кимга қандай туюлмасин, бугун динимизнинг асл моҳиятини асраш, унинг маъно-мазмуни нақадар пок ва эзгу эканини, дин биз учун асрлар давомида ўзлигимизни, миллатимиз, наслимизнинг энг яхши қадриятларини сақлаб қолишда буюк ҳаётбахш куч бўлиб келаётганини такрор ва такрор таъкидлашимиз, бу ҳақиқатни одамларнинг онгига сингдиришимиз даркор.***

**Ислом КАРИМОВ.**

# ГУНОҲИ КАБИРА

Ислом дини инсонни ер юзида фисқу фасод қилиш, бегуноҳ кишиларнинг қонини тўкиш, қолаверса, ўз жонига зулм, ўзини ҳатто қурбон қилиш гуноҳи кабира эканлигини билдириб, ер юзини обод қилиб, эзгу амаллар билан шуғулланиш, унинг манфаати учун ато қилинган неъматлардан фойдаланиш солиҳ амал, савоб ишлар қаторига кириши ҳақида таълим беради.

Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг VII сессиясида халқаро терроризмнинг зарари, унинг ислом динига мутлақо ёт эканини куйиниб таъкидладилар: «Тобора кучайиб, XXI аср вабоси бўлиб бораётган терроризм офатининг ҳар қайси мамлакат, ҳар қандай халқ ҳаётига таҳдид солиши мумкинлиги, энг кучли, энг қудратли, энг ривожланган давлатлар ҳам унинг зарбасидан четда қолмаслиги бугунги кунда халқаро жамоатчиликка аён бўлмоқда...»

Қуръони каримда: «Биз одамзотни азизу мукаррам қилиб яратдик ҳамда уларни сувда ҳам, қуруқликда ҳам юрадиган қилиб қўйдик. Уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқ ато этиб, уларни бошқа ҳамма махлуқотдан афзал этдик» деб билдирилган («Исро», 70-оят).

Бошқа бир оятда эса Аллоҳ Одамни Ер юзида Ўзининг ўринбосари қилиб яратгани баён қилинади. Бу оятлар инсоннинг қадру қиймати нечоғли баланд эканлигини очиқ кўрсатади. Парвардигор одамзотга шунчалик мурувват кўрсатган экан, инсон бу неъматнинг қадрига етмоғи, унинг шукрини адо этмоғи, қолаверса, ўша мақом ва даражага мос тарзда ҳаёт кечирмоғи лозим. Унинг инсонийлиги Яратган томонидан унга берилган фазлу марҳамат, қадру қийматга монанд яшашга қай даражада интилишига қараб баҳоланади. Ўзининг инсон эканлигини унутиб, бу улуғ мақомга беэътибор бўлган кишиларни Аллоҳ таоло Қуръонда: «Улар ҳайвонлар кабидирлар. Балки, улар янада адашганроқдирлар. Ана ўшалар ғофиллардир» дейди («Аъроф», 179-оят).

Холиқ Аллоҳ Одамни Ўз қудрати билан яратиб, фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар», деб буюрган. Фаришталар Аллоҳнинг амрига итоат қилиб, Одам(ас)га таъзим саждасини адо қилдилар. Шундан сўнг Аллоҳ таоло инсонга хитоб қилиб: «Бутун Ер ва осмонни инсоният учун яратдим», деб марҳамат қилди. Парвардигор инсонга ақл-идрок бердиким, токи ҳаёт ва унинг неъматлари қадрига етсин ҳамда дунёга фақат бир марта келишини билсин, ҳаётда учрайдиган баъзи қийинчилик ва мусибатларни сабру қаноат билан енгсин.

Дарҳақиқат, ҳаёт инсон учун берилган энг қадрли омонатдир. Шунингдек, у Аллоҳ таоло томонидан инсонга топширилган имконият ва масъулиятдир. Инсон бу неъматни асраб-авайлаши, унга хиёнат қилмаслиги лозим. Акс ҳолда, энг оғир жиноятга қўл урган, ўз зиммасига катта гуноҳ орттирган бўлади.

Қуръони каримда инсоннинг ўзининг яшаш ҳуқуқига тажовуз қилиши ман этилиб: «Ўз қўлингиз билан ўзингизни ҳалокатга ташламангизлар» ва яна: «Ўзингизни ўзингиз ўлдирмангизлар, зероки, Аллоҳ Сизларни ўз раҳм ва шавқати ила яшашингиз учун дунёга келтиргандир», деб уқтирилган.

Расулуллоҳ (сав) ҳам ўз ҳадиси шарифларида ўз-ўзини ўлдириш ҳаром эканлиги, бундай ишни қилган кишига охиратда қаттиқ азоблар бор эканлиги ҳақида айтиб ўтганлар. Жумладан, «Кимки тоғ тепасидан ташланиб, ўз-ўзини ўлдирса, ўлгандан сўнг жаҳаннамда ҳам шу хил азобга гирифтор бўлади. Агар заҳар ичиб ўзини ўзи ўлдирса, жаҳаннамда ҳам абадий шу азобга мубтало бўлади. Кимки ўзини темир парчаси билан ўлдирса, у киши темир парча қорнига суқулган ҳолатда жаҳаннам ўтида абадий қолур», деганлар. Бошқа бир ривоятда эса: «Ўзини сувга ташлаб ёки осиб ёки куйдириб ўлдирган кишиларнинг ҳукми ҳам юқорида зикр қилинганлар ҳукми билан баробардир», деб марҳамат қилганлар (Бухорий ва Муслим ривояти).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (сав) шундай дейдилар: Аллоҳ таоло ҳадиси қудсийда марҳамат қилурки: «бандам ўз-ўзини ўлдириб, менинг унга берган умримга шукур қилмай шошилди. Шунинг учун унга жаннатни абадий ҳаром қилдим».

Минг афсуслар бўлсинки, ҳозирги кунда баъзи инсонларда яшаш учун курашиш ҳисси, сабру матонат етишмай ўз жонларига қасд қилаётганларининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Буни Аллоҳ берган ҳаётга ношукурлик оқибати деб баҳолашдан ўзга чора йўқ. Бу мудҳиш ҳолатлар нафақат ислом таълимотига, балки Аллоҳ таолонинг қазою қадарига ҳам туғён қилишдан иборатдир. Айниқса, ўз-ўзини турли йўллар билан ўлдириш ҳозирги вақтда баъзи бир мутаассиб исломий жамоалар орасида кенг тарқалиб, ҳатто жасорат даражасига ҳам чиқариб қўйилди. Яқин Шарқда бўлаётган воқеаларни, қорниларига портловчи моддаларни боғлаб, жамоат жойларида ўзларини портлатиб юбораётган ёшларни тез-тез телевидение ва радио ахборотлари орқали кўриб, эшитиб турибмиз. Ўшандай жоҳилона хатти-ҳаракатларни «шаҳидлик мақоми» деб баҳолаётган кимсалар аслида ана шу мудҳиш жиноятларнинг асосий сабабчиларидир.

### Ҳидоят сари

Қолаверса, ўзларини портлатиб юбораётган ёшлар ҳеч қандай шаҳид ҳам бўлмайдилар, чунки улар билан бирга ҳалок бўлаётганлар орасида бегуноҳ кишилар ҳам борлар. Уларнинг ичида сайёҳлар, бошқа дин ва миллат вакиллари ҳам борлар. Бегуноҳларни ўлдирганликлари учун қотиллар дўзахий бўлиб қоладилар. Бу номаъқул ишга тақлид қилувчилар ҳам дунё, ҳам охиратда аламли азобларга гирифтор бўладилар.

Ёшларни мақсадли шижоатлантираётган чаламуллалар уларга шаҳидлик мақомини ваъда қиладилару, аммо жонлари ширинлиги учун ўзлари бу ишни қилмайдилар. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Ўз-ўзини ўлдириш нақадар оғир гуноҳ эканини шундан ҳам билиш мумкинки, Расулуллоҳ (сав) бундай ишни қилган кишига жаноза намозини ўқимаганлар. Шунга кўра, исломий манбаларда ўз-ўзини ўлдирган кишига масжид имоми жаноза намози ўқиши дуруст эмас, дейилган.

Мана, XXI асрнинг бошланганига ҳам бир йил бўлди. Ушбу йилда инсоният терроризм деб аталган жирканч иллат билан жуда кўп тўқнаш келди. Масалан, Америкадаги 11 сентябрь воқеалари ва бошқалар. Ўз-ўзини портлатаётган одамлар...

Хўш, ўз-ўзини ўлдириш — «камикадзелик» ислом нуқтаи назаридан қараганда нима ўзи?

Инсониятни икки дунё саодатига элтувчи ислом асослари бўлган Қуръони карим ва пайғамбаримиз(сав)нинг барча илоҳий иршодот ва аҳкомларида инсон ҳаётига ноҳақ тажовуз этиш, ўзини ўзи ўлдириш, бировнинг моли, ор-номуси, ақл ва эътиқодига зарар етказиш қатъиян ман этилгандир. Бу ислом динидаги энг зарур ва асосий қоида сифатида қабул этилган.

Терроризм ёки шу маънодаги даҳшатга солиш (одам ўлдириш) исломда катта гуноҳлардан бири бўлиб ҳисобланади. Терроризмни юртни вайронгарчиликка айлантириш воситаси деб атаса, янада тўғрироқ бўлар эди. Зеро, бузғунчилик барча нарсани хароб этиш, экинзорларни пайҳон этиш ва инсон наслини ҳалок қилиш, барча гўзалликка барҳам бериш мақсадини ифодалайди. Мутаассиблик, хусумат ва ҳасад балосига мубтало бўлган кимсагина буни амалга оширади. Инсонга чиройли сўзларни баён қилиб, қалблари ҳасад ва адоватга тўлиб-тошган одамлар тўғрисида Аллоҳ таоло ўз китобида қуйидагича тушунтиради:

«Инсонлар ичида дунё ҳаётида сўзи сизни таажжубга соладиган одам ҳам борки, у қалбидаги нарсага Аллоҳни гувоҳ этур, ваҳоланки, унинг ўзи ашаддий хусумдордир. Агар у бош бўлиб қолса, ер юзида фасод, экинзорларни пайҳон этиш, инсон наслини ҳалок этиш билан машғул бўлишга ҳаракат этади. Аллоҳ фасодни яхши кўрмайди» («Бақара», 204-206 оятлар).

Ўзларини гўёки мусулмонлардек кўрсатиб, одамларни гўёки динга «даъват» қилиб юрган, асл мақсадлари ҳокимиятни эгаллаш ва бунинг учун ҳар нарсага, ҳаттоки терроризм, гиёҳвандлик, ноҳақ одам ўлдиришга ҳам тайёр бўлган кимсаларнинг ҳақиқий башаралари очилиб, буни бутун жаҳон кўрди. Улар гўё ўзларини исломга даъватчи деб, кўрсатган бўлсалар ҳам, уларни экстремистик фаолиятлари ошкор этди. Ҳозирга келиб буларнинг фаолиятига ҳар томонлама нуқта қўйилганда, улар ўзларини мужоҳид деб эълон қилиб, ўлсак, шаҳид бўламиз, деб аюҳаннос соладилар. Аслида эса бу ислом динига мутлақо зиддир.

Бизлар яхши билмоғимиз керакки, террористлар, турли кўринишдаги экстремистлар, энг аввало, Ватанимиз тараққиётига, қолаверса, жаҳон цивилизацияси, айниқса, муқаддас динимизга путур етказмоқчи бўлган ғаламис, беватан, динсиз кимсалардир. Бизлар лоқайд бўлмаслигимиз керак. Бунга ҳақимиз ҳам йўқ.

Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, «ислом дини номидан қўпорувчилик қилаётган кимсаларни жиловлаб қўйиш ҳар бир имонли кишининг, ҳар бир мусулмоннинг муқаддас бурчидир». Бунда Яратганнинг ўзи мададкор бўлгай!

**Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ,**
**Муҳаммадбобир ЙЎЛДОШЕВ.**

### Қишлоқ мулкдорлари

**Абдужалил Мажидов тумандаги «Субҳон ота» фермер хўжалигига раҳбарлик қилади. 23 киши ишлайдиган ушбу жамоа фаолияти билан танишгач, тадбиркорлик янги имкониятларни юзага чиқарувчи муҳим омил эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Хўш, хусусий корхонанинг афзаллиги нимада?**

# ОМАД ОСМОНДАН ТУШМАЙДИ

## ёки умумий даромаднинг 30 фоизини савобли ишларга ажратаётган тадбиркор ҳақида сўз

Бу ерда асосан қўйчилик ва қорамолчилик билан шуғулланилади. Маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиқилиб, тоштарошлик санъатини ривожлантиришга жиддий аҳамият қаратилмоқда. Чунончи, янги ташкил этилган мармар цехида 2 та тош кесиш, 2 та силлиқлаш, 1 та фрезер ускунаси ўрнатилган бўлиб, 12 киши меҳнат қилаяпти. Ойлик маош 7 минг сўмдан 20 минг сўмгача. Ишчи-хизматчилар кунига икки маҳал бепул иссиқ овқат, махсус ус-тбош билан таъминланган. Таътил олдидан, қўшимча мукофот билан бирга, 10 квадрат метр мармартош хомашёси натура шаклида берилади. Корхонанинг ёрдамчи хўжалиги ҳам тараққиёт йўлига тушиб олган. Мавжуд 37 бош қорамол, 233 бош қўй ва эчки тадбиркорлар рўзғорига қут-барака киритаяпти. Корхона ишчилари, қишлоқдаги боғча ва лицей тарбияланувчилари хўжаликда етиштирилган гўшт ва сут маҳсулотларидан баҳраманд.

Энди ўйлаб кўринг. Тумандаги ширкат хўжаликларида чорвачилик депсиниб турган бир пайтда «Субҳон ота»да туёқ сони йилдан-йилга ошиб бораяпти. Бу, тинимсиз меҳнат, фаол ишбилармонлик самарасидир. Қизиқ ҳолат. Хусусий корхона ёки оила ўз эҳтиёжи даражасидан ҳам кўпроқ сут, гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаради-ю, ширкат хўжаликлари нима учун бу масалада оқсаб қолаяпти? Жавоб аниқ: мулк ва мулкдорлик туйғуси устун бўлган жойда изланиш бор, юқори манфаатдорлик бор.

Дарҳақиқат, шундай. Олий маълумотли ўртамиёна мутахассисдан кўра, кўзини ҳаёт пишитган тадбиркор жамият учун кўпроқ наф келтиришини бугунги ҳаётий тажриба кўрсатиб турибди. А. Мажидов ана шу тоифадаги инсонлардан биридир. Жамоа ва ширкат хўжаликлари учун кўндаланг бўлиб турган масалалар «Субҳон ота»да босқичма-босқич ҳал этилаяпти. Банкдаги ҳисоб рақамида керакли миқдорда маблағи бор. Техника, ем-хашак, эҳтиёт қисмлар етарли.

Хулоса шуки, янгиликка ўч, изланувчан қишлоқ йигити ўз келажагини ўз қўли билан яратмоқда. Бу баланд-парвоз гап эмас, балки айни ҳақиқат. Албатта, самара ҳам меҳнатга яраша. Бултур 9 миллион сўм соф даромад олинган. Шундан 1 миллион сўми Деҳқонобод қишлоғидаги Имом Ҳасан Имом Ҳусайн тарихий обидасини таъмирлаш учун ажратилди. 7-мактабга оталиқ ёрдами сифатида 250 минг сўм, боғча ва лицей учун 100 минг сўм, Субҳон Тиллаев хотирасига бағишланган футбол мусобақасига 100 минг сўм сарфланди. Улар жамланса, умумий даромаднинг қарийб 30 фоизини ташкил этади.

Абдужалил Мажидов қирқ ёшдан энди ошди. Босиқ, уддабуро, бир сўзли йигит. Айтганини қилмагунча, тинчимайди. Боз устига, малакали мутахассис. Мақсади битта: ҳамқишлоқларини иш билан таъминлаш, даромадни муттасил ошириб бориш. Ҳозир у мармартош қазиб чиқариш карьерини очиш тараддудида юрибди. Лойиҳалар тайёр, ҳисоб-китоблар пухта.

— Ишлайдиган замон келди, — дейди Абдужалил Мажидов. — Айниқса, тадбиркорлик фаолияти учун кенг йўл очилаётганлиги айни муддао. Каллангда ақл, қўлингда куч бўлса, марҳамат, ўзингни синаб кўр. Мулкдорлар қанчалик кўпайса, мамлакатимиз шунчалик бой ва бақувват бўлиши ҳаммага аён-ку? Ишнинг кўзини билмаган одам эса баҳоналар гирдобида қолиб кетаверади.

Абдужалил ҳақ. Омад осмондан тушмайди. Унга меҳнат ва изланиш орқалигина эришилади. Ўзини ҳам, ўзгани ҳам бойитиб, қишлоқдошларига эзгулик нурини улашаётган шундай тадбиркорлар бор экан, элнинг юки ерда қолмайди.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИГА ЁРДАМ

Маълумки, яқинда Ўзбекистоннинг қурғоқчиликдан зарар кўрган ҳудудида соғлиқни сақлашни яхшилаш лойиҳаси учун Япония ҳукумати уч юз эллик беш миллион иен миқдорида грант ажратган эди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигида бўлиб ўтган тадбирда Япония элчихонаси раҳбарининг ўринбосари жаноб Хироши Такахаши ва БМТ Болалар жамғармасининг Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон бўйича минтақавий ваколатхонаси бошлиғи Филипп Хеффинк Япония ҳукумати ажратган грант хусусидаги ноталар алмашинувини имзоладилар. Қурғоқчиликнинг салбий натижаларига дуч келган мамлакатнинг шимоли-ғарбий қисмидаги, хусусан, Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти аҳолиси учун тиббий ҳамда санитария шарт-шароитларини яхшилашга қаратилган ушбу лойиҳани БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ амалга оширадиган бўлди.

**Камола МИРЗАҲМЕТОВА,**
**ЎзМУ журналистика факультети талабаси.**



*Қизилтепа туманидаги «Зармитон» ширкат хўжалиги ҳудудида кунига 5 тонна сутни қайта ишлайдиган кичик корхона ишга тушганига кўп бўлгани йўқ. Туркия технологияси асосида ишлайдиган ушбу минизаводда пишлоқ, қаймоқ, сариёғ, қатиқ каби ўнга яқин сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.*

**СУРАТДА: (чапдан ўнгга) ишчилар Шаҳзод Воҳидов, Талъат Норов ва Файзулла Холиқов дудлаш цехида.**

**Собир ЗУФАРОВ ( ЎзА) олган сурат.**

### Тадбиркорлик сарҳадлари

# «ОРЗУ» ДАРАХТИНИНГ МЕВАЛАРИ

Бундан ўн йил аввал Ҳазорбоғ деган қишлоқнинг қаровсизликдан қамишзорга айланган бир бурчагида «Орзу К» хусусий корхонаси ниҳол бўлиб кўкарди.

Ҳабиб Нормуродов деган тадбиркор белни маҳкам боғлаб ишга киришди. Кўнглида минг хил орзу, қалбида мустаҳкам ишонч, қаватида 200 га яқин одам билан.

Кўп ўтмай бинойидек ишлаб чиқариш корхонаси бунёд бўлди. Унча катта бўлмаган имкониятлар ҳосиласи ўлароқ, замонавий технология ва аниқ-равшан ҳисоб-китоблар мужассам топди.

Орзу ниҳоллари бақувват дарахтга айланди. Бир дарахтки, мевалари ларзон. Меҳнатларининг самаралари миллиард сўмлаб даромадларнинг тошу тарозисини босадиган. Масалан...

«Орзу» 77-умумий ўрта таълим мактабини таъмирлаб берди. 2 гектар ерда кўрган кишини лол қолдирадиган каттакон тижорат бозорини қурди. Термизда шаҳарнинг 2500 йиллик тўйига тўёнамиз деб ҳашаматли супермаркет тиклади. Яқинда эса даволаниш ва дам олиш масканини ишга туширди. Масканнинг ташхис маркази замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъмин этилган.

«Орзу» дарахтининг шохобчалари эндиликда хорижлик шерикларнинг диққатини ҳам тортмоқда. Ўзбек тадбиркорларининг орзулари ўзга сарҳадларга қанот ёзса, не ажаб!

**О.УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ташаббус сўнмасин!

# БИР КУНЛИК КРЕДИТ

## БЕШ ЙИЛЛИК МУАММОНИ ҲАЛ ҚИЛДИ

Кредитларнинг тури кўп. Узоқ муддатли, имтиёзли, қисқа муддатли, режали. Одатда улар бир ойдан уч йилгача, баъзан эса ундан ҳам узоқроқ муддатларга берилади. Лекин кўпчилик бир кунлик кредит ҳақида эшитмаган бўлса керак. Энг муҳими, ана шу бир кунлик кредит Фарғона вилоятидаги қатор хўжаликлар билан ёғ-мой корхоналари ўртасида ечимини топмаётган муаммони ҳал қилиб берди.

Маълумки, республика ҳукумати ёғ-мой корхоналари зиммасига пахта етиштирувчи хўжаликларнинг манфаатини ҳимоя қилган ҳолда, улар ёғ-мой корхоналарига топширган чигитдан олинадиган маҳсулотнинг бир қисмини ажратилаётган фондлардан мустасно равишда сотиб олиш вазифасини юклаган. Албатта, бу хўжаликлар иқтисодиётини мустаҳкамлаш, айниқса, жамоа аъзоларини муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари ва чорва озуқалари билан таъминлаш йўлида қўйилган муҳим қадам ҳисобланади.

Шаклланаётган бозор иқтисодиёти қонунларига биноан, жамоа ва фермер хўжаликлари ёғ-мой корхонасида қайта ишланган маҳсулотни маблағ ўтказиб, сўнгра сотиб олишлари мумкин. Афсуски, сўнгги йилларда кўпгина жамоа ва ширкат хўжаликлари ҳисоб рақамида эркин ишлатиладиган маблағнинг йўқлиги туфайли бу маҳсулотлар ёғ-мой корхонаси ҳисобида қолиб кетаётган эди.

Далилларга мурожаат қилайлик. Фарғона вилоятидаги ширкат ва жамоа хўжаликлари биргина 2000 йилда етиштирилган ҳосил ҳисобига ёғ-мой корхонасидан бериладиган маҳсулотларнинг фақат 38,8 фоизини, кунжаранинг 44,7 фоизини олишга муваффақ бўлишган, холос. 2001 йил эса якунланаяпти. Қайта ишлаш корхонасида қолган маҳсулотни харид қилиш учун маблағ йўқ. Ёғ-мой корхонасидагилар насияга маҳсулот беришга умуман рози бўлмаяпти.

Аҳвол ўрганиб чиқилганда, қизиқ манзарага дуч келинди. Пахта саноат сотиш бошқармаси хўжаликлардан қарз бўлса, ёғ-мой комбинати чигитни сотиб олган пахтани қайта ишлаш корхоналаридан қарз. Бевосита ишлаб чиқарувчи ширкат ва жамоа хўжаликлари кассасида эса ёғ-мой корхонасидан маҳсулотни сотиб олишга маблағ йўқ. Ҳалқаларга бўлиниб кетган бу занжирни қандай қилиб улаш мумкин? Фарғона вилояти ҳокимлигининг иқтисодиёт мажмуи мутахассислари, хусусан, ҳокимнинг шу масала бўйича ўринбосари Акрамжон Иноятовнинг тавсияси билан бунинг ҳам йўли топилди.

**— Ўша кун корхонамизда чинакам байрамга айланди, десак, муболаға бўлмайди, — дейди «Фарғона ёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти раиси Алижон Латипов. — Чунки белгиланган тариф бўйича биз хўжаликларга маблағсиз маҳсулот беролмасдик. Ҳар хил илтимослар қилиш, дарвозалар олдида кун бўйи сарғайиб туришларни бир кунлик кредит ҳал қилди-қўйди. Энг муҳими, қарзлар узилиб, ҳатто маҳаллий бюджетга ҳам анчагина маблағ тушди.**

26 ноябрь куни Фарғона ёғ-мой корхонасига вилоят ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидан 160 миллион сўмлик кредит расмийлаштирилиб, бу кредит «Пахтасаноатсотиш» бирлашмаси ҳисобига ўтказиб берилди. Бирлашма ўша куниёқ бу маблағни хўжаликларнинг ҳисобига, хўжаликлар ўз навбатида уни ёғ-мой корхонасига ўтказишди. Бу операцияни бажариш учун атиги бир кунгина кифоя қилди. Ёғ-мой корхонасининг қарзи шу куниёқ унинг ҳисобига қайтиб тушди. Қарз яна кредитор — миллий банкнинг Фарғона бўлими хазинасига қайтариб берилди.

Хўш, бир кунлик операция қандай самара берди? Вилоят бўйича жамоа ва ширкат хўжаликлари 3663 тонна кунжара, 3671 тонна шелухани корхонадан ташиб олиш имкониятига эга бўлди.

Фақат шугина эмас. Бир ташаббуснинг натижаси туфайли Қува туманидаги хўжаликлар 30 миллион сўм, тошлоқликлар 30 миллион 250 минг сўм, риштонликлар 24 миллион 662 минг сўм, Охунбобоев туманиликлар 43 миллион сўмлик, олтиариқликлар эса 30 миллион сўмлик чорва озуқаларини олдилар. Янги тадбир оқибатида, шунингдек, баъзи бир «учар» тадбиркорларнинг пайтавасига қурт тушди. Улар ёғ-мой корхонасидан маҳсулотни хуфиёна йўллар билан олиб, ўзларига қарашли савдо шохобчаларида бир неча баравар қиммат нархда сотишаётган эди. Ана шу қинғир ишга ғов қўйилгач, бозорда сотилаётган кунжаранинг нархи 70 сўмдан 50 сўмга, шелуханинг нархи эса 85 сўмдан 50 сўмга тушди.

Мана буни чинакам рақобат, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаш, деса бўлади!

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

